

Ҳаёт ибратларга тўла



10:34 / 19.05.2020 2458

Милодий 778 йилда Қуртубада Толун ибн Абдулжаббор Муъофирий роҳимаҳуллоҳ дунёга келди. Ўз замонида у Моликий мазҳабининг имоми, олим, обид эди. У Ҳакам ибн Ҳишомни ҳурмати оёқости қилгани учун салтанатдан олиб ташламоқчи бўлган олимларга бош бўлган эди.

Жуда катта фитна бўлди. Кўп уламолар қўлга олинди ва қатл қилинди. Толун ибн Абдулжаббор роҳимаҳуллоҳ бир йил мобайнида бир яҳудийнинг уйида беркиниб ётди. Сўнгра унинг уйдан чиқиб вазир Абул Бассомдан паноҳ сўради. Вазир уни уйига жойлаб қўйиб Ҳакам ибн Ҳишомга хабарни етказди. Ҳакам уни тутиб келишларини буюрди. Толун ибн Абдулжаббор келгач Ҳакам унга қилган яхшиликларини эслатиб деди:

- Эй Толун! Сени ўзимга бошқалардан яқин олмаганмидим?! Хотинингнинг жанозасига борган эдим. Сен бўлсанг мени ўлдириш ҳақида гапириб

юрибсан!

Толун ибн Абдулжаббор деди:

- Аллоҳга қасамки, менга қилган яхшиликларингга иқрорман, инкор қилмайман. Аммо мен сени Аллоҳ учун ёмон кўрдим. Сенга ваъзлар қилдим, гапимни олмадинг!

Ҳакам деди:

- Биламан, сенга ўхшаганлар бировни ёмон кўрса ҳам Аллоҳ учун ёмон кўради, яхши кўрса ҳам Аллоҳ учун яхши кўради. Шунинг учун мен бугун сени авф қиламан. Аммо менга айтчи, вазиримиз Абул Бассом сени қандай топди?

Толун ибн Абдулжаббор роҳимаҳуллоҳ деди:

- Уни бугун эрталаб мен топдим.

Ҳакам сўради:

- Бир йил давомида қаерда эдинг?

Толун ибн Абдулжаббор деди:

- Бир яҳудийнинг уйида эдим. У мени Аллоҳ учун муҳофаза қилди. Сенинг мусулмон вазиринг эса мени ҳимоясига олиб сўнг хиёнат қилди.

Ҳакам бироз жим турдида вазири Абул Бассомга деди:

- Аллоҳ сени хор қилсин! Яҳудий уни илми ва тақвоси учун бир йил сақлабди. Сен эса дунёинг учун унга хиёнат қилдинг. Кўзимдан йўқол! Қайтиб менинг мажлисимда кўринма!

Дунё шунақа. Қиссалар такрорланаверар экан. Гоҳида ўйламаган кишинг сени ҳимоя қилар, гоҳо эса ишонган кишинг сенга хиёнат қилиши мумкин экан. Ҳаёт ибратларга тўла!

Абдулқодир Полвонов